

Даврон НУРМУҲАМЕДОВ

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
таянч докторанти
davron_nurmuhamedov@mail.ru

“МУСНАД” ТЎПЛАМЛАРИНИНГ ЖАМЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

ЭТАПЫ СБОРА ТРУДОВ “МУСНАД”

STAGES OF THE COLLECTION OF “MUSNAD” WORKS

Аннотация: Мақолада Пайгамбар (с.а.в.) ҳаётлик даврида саҳобалар ҳаётида ҳадисларнинг ўрни, саҳобаларнинг ҳадисларга бўлган кучли қизиқиши ҳадис тўпламлари ва манбалар асосида таҳлил қилинган. Саҳобалар давридаги ҳадислар ёзилиши, жамланиши ва тўпламлар яратилишининг илк босқичи бўлмиш китобат жараёни манбалардан олинган фактлар асосида кўрсатиб берилган. Ҳадис тўпламларининг илк шакли бўлган муснад асарларининг ҳадис илми ривожига аҳамиятига тўхталинган.

Калит сўзлар: Ҳадис, саҳоба, Қуръонийлар, муснад, ҳадис тўпламлари, тадвин, китобат

Аннотация: В статье на основе сборников хадисов и других источников анализируется роль хадисов в жизни сподвижников во времена Пророка (с.а.в.). Процесс записи хадисов и написание их сборников в эпоху сподвижников объясняется как ранний этап собирания хадисов. Статья основное внимание уделяется важности сочинений муснадов в развитии науки о хадисах, которая является первой формой сборников хадисов.

Ключевые слова: Хадис, сподвижник, Кораниты, муснад, сборники хадисов, тадвин, китабат

Annotation: The role of hadith in the life of the companions, their great interest towards hadith in the lifetime of the Prophet (pbuh) were analyzed on the basis of hadith collections and other sources in the paper. The early “Kitaba” stage of writing down and collection of hadiths and creation of hadith collections in the period of the companions was explained on the basis of obtained facts from the sources. The significance of the original works was noted, which became the first form of hadith collections.

Key words: Hadith, companion, Qur’aniyūn, musnad, hadith collections, tadwin, kitaba

КИРИШ

Маълумки, ҳадис Ислом шариати асосларидан бири. Унинг иснодлари, матнлари ва шу билан боғлиқ масалаларни ўрганиш замонавий исломшуносликнинг долзарб масалаларидан саналади. Ҳозирга қадар мусулмон жамоалари орасида ҳадис номи билан юритилувчи, аслида кейинги замонларда илмсизлик оқибатида диний китоблар ичига кириб қолган сохта ҳадисларни аниқлаш, ҳадисларда келган ҳукмлар (аҳком)ни ўрганиш, уларнинг носих ва мансухларини фарқлай билиш ва бошқа шу каби ҳадис илмига оид масалаларни тадқиқ этиш бу йўналишдаги тадқиқотларнинг муҳим жиҳатидир.

Ҳадис илми манбаларининг кўп сонлиги, хилма-хиллиги, мавзуларининг кенглиги билан бошқа соҳалардан ажралиб турадиган кенг тармоқли йўналиш ҳисобланади. Ривоят илми бўйича ёзилган асарлар қаторида муснад услубида таълиф этилганлари ўзига хос ўринга эга. Улар муҳаддисларнинг ровийларга асосланган тўпламлари бўлиб, ҳадис ривоят қилган ровий ривоятининг сонини аниқлашда, яшаган давридаги мавқеини ҳамда ислом тарихида тутган ўрнини кўрсатиб беришда хизмат қиладиган катта ҳажмдаги китоблар сирасига киради. Шу билан бирга ҳадис тўпламларини аниқлашда катта ёрдамчи вазифани ўтайди. Натижада кейинги даврларда тасниф этилган ҳадис китоблари саҳиҳ, сунан, жомеъ каби ҳадис йўналишидаги асарларнинг асосий манбасини муснадлар ташкил этди. Кейинги асрларда ҳам ҳадис илми ўзига хос тарзда ривожланишда давом этди. Бу даврларда ўтган муҳаддисларнинг ҳадис тўпламларини янгича услуб ва усулларда ёзиш ишлари бошланди. Натижада “Мустахраж”, “Мустадрак” каби тўпламлар вужудга келди. Саҳиҳ, ҳасан ҳадислар саралангани учун заиф ва ҳатто мавзу (сохта, уйдирма) ҳадислар бўйича ҳам алоҳида тўпламлар туздилар, натижада ҳадис тўпламлари турли даражаларга ажратилди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Маълумки, ҳадис тўпламларининг жамланиши икки йирик даврни босиб ўтди:

Биринчи давр – Пайгамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам, саҳобалар ва катта тобеинлар даври (ҳижрий I аср);

Иккинчи давр – милодий VIII (ҳижрий II) асрни, яъни тобеинлар ва табаъ тобеинлар даврларини ўз ичига олади.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам даврида тузилган ҳадис тўпламларидан бири “Китоб ас-садақа” номи билан танилган бўлиб, ундаги ҳадисларни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари ёздирганлар. Унда закот, ушр, садақалар, умуман молиявий ибодатларга тааллуқли масалалар ва ҳадислар ўрин олган.

Бу тўплам Абу Бакр Сиддиқ (571-634), ундан сўнг Умар ибн Хаттоб (585-644), сўнг ўғли Абдуллоҳ ибн Умар (612-693) да сақланиб қолган. Ундан эса Умар (р.а.)нинг невараси Солим ибн Абдуллоҳга (ваф. 725) ўтган. Ҳадис ривоятларида энг саҳиҳ иснодлардан бири деб зикр қилинадиган Зухрий → Солим → Абдуллоҳ ибн Умар → Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам силсиласи шу тариқа вужудга келган. Бу ҳадис тўплами Умар (р.а.)га қиз тарафдан авлод ҳисобланган халифа Умар ибн Абдулазизга авлоддан-авлодга ўтиб, етиб келган.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам даврида тузилган ҳадис тўпламларидан иккинчиси саҳоба Амр ибн Ҳазм (ваф. 673) саҳифаси ҳисобланади. Бу саҳифани Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам уни Нажронга элчи қилиб жўнатаётганларида берганлар. Убай ибн Каъб (ваф. 642) котиблик қилиб, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам айтиб турган ҳадисларни ёзиб берган. Унда асосан, таҳорат, намоз, закот, ҳаж, ғаниматлар борасидаги ҳадислар жой олган. Ибн Шихоб Зухрий ушбу тўпламдаги айрим ҳадисларни ривоят қилган.

Абу Бакр ибн Муҳаммад ибн Амр ибн Ҳазм (ваф. 737)¹ Умар ибн Абдулазизнинг буйруғига биноан ҳадисларни жамлаганида ҳам ушбу тўпламдан фойдаланган [9; 244].

Демак, илк ҳадис тўпламлари Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаётлик вақтларидан варақларга ёзилган ва жамланган. Аммо аҳли сунна вал жамоадан ажралиб чиққан – “аҳли Қуръон” (“Қуръоний”)лар, қодиёний-аҳмадийлар каби тоифалар Пайғамбар (с.а.в) давридан бошлаб Умар ибн Абдулазиз давригача ҳадислар тўпланганини инкор қиладилар. Ушбу бузук даъволарига саҳобалар ва тобеинлар ҳамда бу даврда яшаганларнинг кўпчилиги ёзишни билмаганини, зехнларининг

кучлилиги сабабли ҳадисларни ёзишга эҳтиёж бўлмаганини ва ҳадисларни ёзишдан қайтарилганларини, Пайғамбаримиз (с.а.в.) давридан анча муддатдан кейин ҳадислар тўпланганини сабаб қилиб келтирадилар [7; 73-74].

Шунингдек, аксарият ғарб олимлари ҳам ҳадислар кейинчалик сохталаштирилган ва улар ҳеч қандай тарихий асосга эга эмаслигига урғу беради. Ҳатто, олти саҳиҳ ҳадис тўпламларини ҳам ишончсиз деб ҳисоблайди. Хусусан, Игнац Гольдциер, Жозеф Шахт, Жон Вансбро, Густав Вейл, Патрише Крон, Майкл Кук [15; 256] ҳадисларни бутунлай инкор қилиб, ҳадис ва ҳадис илмига шубҳали қарашни илгари сурган.

Гольдциер, Шахт ва унинг тарафдорларига қарши чиққан олим Набиа Аббот уммавийлар даврида ёзилган бир қанча манба ва бошқа далилларга асосланиб, Гольдциер, Шахт назарияларини танқид қилган. Н.Аббот ёзишича, “Ислом динида ҳадис ёзиш анъанаси Пайғамбар (а.с.) даврида ҳам мавжуд бўлган. Аммо, иккинчи халифа Умар (р.а.) Қуръон оятларини бошқа китоблар билан чалкаштирмаслик мақсадида барча ёзма ҳадисларни йўқ қилиш буйруғини берган. Лекин кўпгина саҳобалар ҳадисларни йиғишда давом этган. Хусусан, Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос, Абу Ҳурайра, Ибн Аббос ва Анас ибн Малик каби саҳобалар ҳадисларни тўплашган” [14; 293].

Юқоридаги мисоллар, қолаверса Пайғамбар (с.а.в.) ҳаётлик даврида ҳадисларнинг саҳобалар томонидан ёзилганини кўшни мамлакатларга юборилган мактублар ҳам тасдиқлайди. Хусусан, Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ёздирган мактублари Рум подшоҳи Ҳиракл, Миср подшоҳи Муқовқис ва Ҳабашистон подшоҳи Наҷжашийга жўнатилган. Қолаверса, Яман, Баҳрайн, Ямома, Хадрамавт, Уммон каби мамлакатларга ҳам хатлар, турли ёзишмалар юборилгани маълум [9; 87].

НАТИЖА ВА МУҲОКАМАЛАР

Саҳобалар ҳам ўзлари ёд олган ҳадислар унутилиб йўқ бўлиб кетмаслиги ва таълим беришда фойдаланиш ҳамда бирор масаланинг ечимини топиш учун ҳадисларни тўплашган. Бу тўпламлар “саҳифа” деб аталган. Кейинчалик ҳар бир саҳобадан ривоят қилинган, улардан эшитилган ҳадислар алоҳида-алоҳида китоб шаклида жамланган ва бу тўпламлар “Саҳобалар муснади” деб номланган.

¹ Амр ибн Ҳазмнинг невараси.

Саҳобалар муснадида фақат бир саҳобадан ривоят қилинган ҳадислар киритилган, бошқа бирор саҳобанинг ривояти киритилмаган. Агар бир ҳадис икки кишидан ривоят қилинган бўлса, мазкур икки ҳадис алоҳида муснадларга киритилган. Бу муснадлар ҳадис илми соҳасида тасниф этилган асарларнинг илк кўринишидаги шакли ҳисобланган. “Айрим саҳоба ва тобеинлар ҳадисларни ёзиб боришган, уларнинг суҳуф ва китоблари мавжуд бўлган”, деб ёзади Саййид Абдулмажид Ғаврий [10; 59].

Саҳобалар муснадининг ёзилиши ва жамланиш тартиблари кейинги даврдаги ҳадис китобларига нисбатан содда ва ҳеч бир мавзуга ажратилмасдан жамланганлиги билан фарқ қилади. Бу ҳадислар қандай эшитилган бўлса, шундайлигича, ҳеч қандай боб, бўлим ёки мавзуларга ажратилмасдан тўпламга киритилган.

Муснад асарларининг тасниф этилиши шу тариқа босқичма-босқич ривожланиб борди. Муснадлар дастлаб саҳобалар кейин тобеинлар ва табаъ тобеинлар даврида ўзига хос услубларда ёзилган. Хусусан, саҳобалар томонидан тузилган илк ҳадис тўплами “Ас-Саҳифату-с-содиқа” (“Тўғри саҳифа”) деб номланган бўлиб, уни Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осс (р.а.) (616-684) тузган.

Абдуллоҳ ибн Амр ҳадисларни ёзиб олиши билан шуҳрат қозонган эди. Бу ҳақда Абу Ҳурайра (р.а.)дан бундай ривоят қилинади:

ما من أصحاب النبي صلى الله عليه وسلم أحد أكثر حديثاً عنه مني إلا كان من عبد الله بن عمرو فإنه كان يكتب ولا أكتب

“Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари орасида мендан кўп ҳадис биладиган йўқ эди. Фақатгина Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос мендан кўп билар эди. У ҳадисларни ёзиб борар, мен эса ёзмас эдим” [1; 299].

Демак, Абу Ҳурайра (р.а.)нинг эътирофига кўра, Абдуллоҳ ибн Амр ундан кўра кўпроқ ҳадис билган. Агар Абу Ҳурайра (р.а.) ривоят қилган ҳадислар бизга маълум бўлган ададга кўра 5374 тани ташкил этса, Абдуллоҳ ибн Амрнинг (р.а.) ҳадислари ундан кўплиги маълум бўлади. Бу саҳобалар давридаги ҳажми энг катта бўлган ҳадис тўплами саналган.

Аҳмад ибн Ҳанбал (780-855) ўзининг “Муснад” асарида унинг шу номда ҳадис тўплами тузганини ривоят қилган. “Асаду-л-ғоба фи маърифати-с-саҳоба” (“Саҳобаларни танишда ўрмон шери”) асарида Абдуллоҳ

ибн Амр ибн Осинг минглаб ҳадисларни ёд билгани қайд этилган [2; 346].

Абдуллоҳ ибн Амр (р.а.) ёзиб қолдирган “Ас-Саҳифату-с-содиқа” ҳадис тўплами унинг невараси Амр ибн Шуайбга (ваф. 736) мерос қолган. Ибн Ҳажар Асқалоний (1371-1448) “Таҳзибу-т-Таҳзиб”да машҳур муҳаддислар Яҳё ибн Муин (775-848) ва Али ибн Мадиний (777-849) дан нақл қилишича, қайси ҳадис

عن عمرو بن شعيب عن أبيه عن جده

“Амр ибн Шуайбдан у эса отасидан, у эса бобосидан” деб ривоят қилинган бўлса, у “ас-Саҳифату-с-содиқа”дан олинган бўлади [12; 44-45].

Абу Ҳурайра (р.а.) қаламига мансуб ҳадис тўплами ҳам мавжуд. Бу ҳақда муҳаддислардан Ҳоким (933-1014) “ал-Мустадрок” (“Идрок қилинган”) ҳамда Ибн Абдулбарр (978-1071) “Жомеъ баёну-л-илм ва фазлиҳи” (“Илмнинг баёни ва унинг фазилати тўплами”) асарларида айтиб ўтганлар.

Абу Ҳурайра (р.а.) ривоят қилган ҳадислар жамланмасаи “Муснаду Абу Ҳурайра” деган номланган. Бу ҳақда тарихчи Ибн Саъд (784-845) “Табақоту-л-кубро” асарида бундай ёзади: “Умар ибн Абдулазизнинг отаси Абдулазиз ибн Марвон (ваф. 703) Мисрнинг волийси бўлган. У Касир ибн Муррага мактуб йўллаб, қанча саҳобадан ҳадис ривоятларини билса ҳаммасини ёзиб юборишни илтимос қилган. Саҳобалардан фақат Абу Ҳурайранинг (р.а.) ривоятлари шарт эмаслиги, чунки унинг ривоят қилган ҳадислар тўплами ўзида мавжудлигини таъкидлаб ўтган”.

Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) ҳам беш юздан ортиқ ҳадисларни жамлаб, тўплам тузган ва уни қизи Оишага (613-678) берган. Қолаверса, Баҳрайнга волий қилиб юборган Анас ибн Моликка (610-712) закот, мерос тақсимооти каби масалаларга бағишланган ҳадиси шарифларни ёзиб юборгани ҳам яхши маълум.

Али ибн Абу Толиб (600-661) ҳам ҳадисларни саҳифаларга ёзиб, жамлаган. Тўплаган ҳадисларини қилич қинига тикилган махсус жойида сақлаган. У “қироб”, “алоқа” деб номланган. Мазкур тўпламда ҳаж ва закот масалалари, хун пули ва қасос, бошқа дин вакиллари билан муносабатларга оид ҳадислар ўрин олган.

Саҳоба Муҳаммад ибн Маслама Ансорий (ваф. 666) вафот этганида, унинг қиличи қинидан ҳам ҳадислар тўпламининг бир нусхасини топиб олганлар.

Анас ибн Молик (610-712)нинг ҳадис тўпламларидан иборат саҳифаси ҳақида Имом Ҳоким “ал-Мустадрок” асарида қуйидаги ҳадисни келтиради: “Биз Анас ибн Молик (р.а.) нинг олдига кўп борар эдик, шунда ўзидаги бир тўпламни чиқариб: “Бундаги нарсаларни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитганман, уларни ёзиб қўйганман ва у зотга кўрсатиб ҳам олганман”, деб айтарди.

Жобир ибн Абдуллоҳ (ваф. 697), Абдуллоҳ ибн Умарнинг ҳадис тўпламлари ҳақида Имом Бухорий “Тариху-л-кабир”да, Абдуллоҳ ибн Масъуднинг ёзган ҳадислари Ибн Абдулбаррнинг “Жомеъ баёну-л-илм ва фазлиҳи” (“Илм ва унинг фазилати баёни тўплами”) номли китобида, Самура ибн Жундуб (ваф. 679) жамлаган ҳадислар мажмуаси тўғрисида Ибн Ҳажар Асқалоний (1372-1449) нинг “Таҳзибу-т-таҳзиб” (“Маълумот беришни тўғриламак”) асарида сўз юритилган. Машҳур тобеъин Муҳаммад ибн Сирин (653-729): “Самура ёзиб қолдирган тўпламда катта илм мавжуд”, деган [8; 111].

Шунингдек, муҳаддис Табароний (873-973/260-360) Саъд ибн Убода (ваф. 635)нинг ҳам ҳадислар тўпламидан иборат китоби бўлганини таъкидлаган. Қолаверса, Умар ибн Хаттоб, Абу Умома Боҳилий (632-701), Абу Айюб Ансорий (ваф. 672), Абу Бакр Сақафий (ваф. 671), Абу Рофеъ (ваф. 661), Абу Саид Худрий, Абу Мусо Ашъарий (ваф. 663), Убай ибн Каъб, Асмо бинт Амис (ваф. 663), Усайд ибн Хузайр ал-Ансорий (ваф. 642), Жобир ибн Самура (ваф. 694), Жарир ибн Абдуллоҳ (ваф. 674), Рофеъ ибн Хадиж ал-Ансорий (634-694), Зайд ибн Арқам (ваф. 686), Зайд ибн Собит (ваф. 666), Сабиъа ал-Асламия (ваф.), Салмон ал-Форсий (ваф. 658), Заҳҳок ибн Суфён ал-Килобий (ваф. 632), Заҳҳок ибн Қайс ал-Килобий (ваф. 684), Оиша (613-678), Абдуллоҳ ибн Абу Авфо (ваф. 705), Абдуллоҳ ибн Зубайр (624-693), Фотимаи Захро (606-633), Фотима бинт Қайс (ваф. 670), Муоз ибн Жабал (603-639), Муовия ибн Абу Суфён (603-680), Абдуллоҳ ибн Аббос каби саҳобалар ҳам айрим ҳадисларни ёзганлари, бошқаларга ёзиб берганлари манбалардан маълум.

Тобеинлар даврида ҳам ҳадисларни тўплаш борасида қатор ишлар амалга оширилган. Тобеинларнинг улуғларидан Ҳаммом ибн Мунаббих (660-749) Абу Ҳурайранинг (р.а.) яқин шогирдларидан бири бўлган ва устозидан эшитган ҳадислар асосида ҳадис тўпламини

тузган. У “ас-Саҳифа ас-саҳиҳа” номи билан танилган.

Аҳмад ибн Ҳанбал (780-855) “Муснад” асарида шу тўпламдан унумли фойдаланган. Муҳаддислардан Имом Бухорий (19 та), Имом Муслим (78 та), ва Имом Термизий (10 та) ҳам Ҳаммом ибн Мунаббих саҳифасидаги ҳадислардан кўплаб ривоятлар келтиришган. Ушбу асар тобеъинлар давридан бизгача етиб келган илк ҳадис тўплами ҳисобланади.

Ҳаммом ибн Мунаббихнинг мазкур саҳифасининг кўлёзма нусхалари Берлин ҳамда Дамашқда сақланади. Ушбу икки нусха асосида илмий-танқидий матни тайёрланиб, нашр қилинган. Унда 138 та ҳадис мавжуд бўлиб, улар Аҳмад ибн Ҳанбал “Муснад”идаги ҳадислар билан солиштирилганда, ҳеч қандай фарқ бўлмагани аниқланган.

Тобеинлардан Абон ибн Усмон ибн Аффон (640-723), Абу Қалоба Абдуллоҳ ибн Зайд ал-Басрий (ваф. 723) ҳам йирик ҳажмли ҳадислар тўпламининг муаллифи ҳисобланади. Солим ибн Абул Жаъд (ваф. 717) ҳадисларни ёзиб, тўплам тузгани ҳақида Имом Термизий “Ал-Илал” асарида қайд қилган.

Абу Қалоба Абдуллоҳ ибн Зайд ал-Басрий (ваф. 723), Урва ибн Зубайр ибн ал-Аввом (642-712), Ҳасан Басрий (642-728) ҳам ҳадисларни тўплаган илк муаллифлардан. Урва ибн Зубайр тўплаган ҳадислардан муҳаддис Абулқосим Сулаймон ат-Табароний (873-973) ўзининг “Мўъжаму-л-кабир” асарида жуда кўп ўринларда фойдаланган.

Шу даврдан эътиборан ҳадис тўпламларини ёзиш одат тусига кирди ва ҳар бир ҳудуддан етишиб чиққан муҳаддислар бу ишни давом эттирдилар. Улардан Маккада Ибн Журайж (ваф. 149/767 й.) ва Ибн Исҳоқ (ваф. 768 й.), Мадинада Саид ибн Абу Уруба (ваф. 156/773 й.), Робеъ ибн Субайх (ваф. 777 й.) ва Имом Молик (ваф. 168/785 й.), Басрада Ҳаммом ибн Салама (ваф. 167/784 й.), Куфада Суфён Саврий (ваф. 160/777 й.), Шомда Абу Амр Авзоъий (ваф. 156/773 й.), Хуросонда Абдуллоҳ ибн Муборак Марвазий (ваф. 180/797 й.), Яманда Маъмар (ваф. 154/771 й.), Райда Жарир ибн Абдулҳамид (ваф. 804 й.), Воситда Ҳушайм (ваф. 788 й.) ва бошқалар илк ҳадис тўпламларини жамлашган.

Шунингдек, бу даврга келиб ҳадис илми талабида ўз юртидан бошқа жойларга сафар қилиш ҳам ривожланди. Чунки муҳаддислар ўз минтақасидаги ҳадисларни ўрганиб бўлгандан

сўнг унга қаноат ҳосил қилмай, кўпроқ ҳадис билиш ва янада ишончлироқ бўлишини талаб қилганлар. Бу эса ҳадис илмининг янада тараққий этишига олиб келган.

III/IX асрга келиб ҳадисларнинг иснод ва матн қисмлари чуқур ўрганилиб, турли даражалар бўйича сараланди. Натижада IX аср – ҳадис илмининг “олтин асри”га айланди. IX-X асрларда ҳадис илми мустақил илм сифатида шаклланиб, фикҳ илмидан ажралиб чиқди. Айни шу даврда ҳадис илми мустаҳкам асосга эга бўлган катта илм соҳаси экани амалиётда исботланди.

Бу даврда Пайғамбар (с.а.в.)нинг суннатларини тартибга келтириш, ҳадис илми атамаларини ишлаб чиқиш, энг муҳими, саҳиҳ ҳадисларни ўзида жамлаган қимматли асарлар ёзиш ривожланиб, янги услубда битилган ҳадис тўпламлари пайдо бўла бошлади. Илк ҳадис тўпламлари қаторида муснадлар вужудга келди.

Муснад сўзи араб тилидаги *مُسْنَدٌ* (санада) феълининг мажхул даража сифатдоши (исми мафъул) бўлиб, маъноси луғат китобларида бундай изоҳланган: Аҳмад ибн Форис (ваф. 395/1005 й.): “Санаднинг маъноси бир нарсани бошқа бир нарсага қўшилишини ифода этади. Шунинг учун, замон ҳам муснад деб номланади, чунки улар ҳам бир-бирига ёпишгандир” [3; 105], деб таърифлаган.

“Таҳзибу-л-луға” асарида: “Тоғ ёки адирлик томондаги ердан кўтарилган тепалик санад деб аталади”, дейилади. Азҳарий (ваф. 393/1003 й.) эса, “Унга бирор нарсани суянтирган ҳар бир нарсанг –муснад”, дейди.

Демак, муснаднинг луғавий маъноси – бир нарсага қўшилган ёки қувватли бўлиши учун унга бирор нарса кўтариб, суяб қўйилган нарсадир.

Ҳадис истилоҳида муснад сўзи қуйидаги уч хил маънода ишлатилади:

Биринчи маъно – санади муттасил, яъни узлуксиз ҳолда ривоят қилинган ҳадис. Бундай ҳадис санадининг аввалидан то охиригача Расулуллоҳ (с.а.в.)га марфуъ (кўтарилган) қилинган.

Имом Ҳоким: “У Расулуллоҳ (с.а.в.)гача исноди муттасил бўлган ҳадисдир”, деган. Хатиб айтади: “У охиригача муттасил бўлган ҳадисдир”.

Ибн Абдулбарр: “У Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қилинган ҳадис бўлиб, муттасил ёки мункотей бўлиши баробардир”, деган.

Ушбу таърифларга эътибор берилса, Хатибнинг таърифига кўра, саҳоба ва тобеъинлардан санади муттасил ҳолда ривоят қилинган мавкуф ёки мактуъ ҳадислар ҳам муснад ҳисобланади. Аммо Ҳоким ва Ибн Абдулбаррнинг таърифига кўра, бундай ҳадислар муснад саналмайди. Ибн Абдулбаррга кўра, мункотей², муъзаллар³ ва санади жихатидан узилган бошқа ҳадислар ҳам муснад дейилаверади. Ҳокимнинг таърифига кўра, муснад дейилмайди. Ибн Ҳажар айтади: “Набий (с.а.в.)гача марфуъ ҳолатда санади уланган ҳадис – муснад дейилади” [5; 170].

Аксар муҳаддислар наздида ҳадис муснад бўлиши учун унда иккита шарт топилиши лозим:

1. Ҳадис марфуъ бўлиши;
2. Ҳадиснинг санади муттасил бўлиши.

Иккинчи маъно – ҳар бир саҳобийнинг ривояти алоҳида жамланган асар. Хатиб Абу Бакр Бағдодий ҳадис асарлари муаллифлари ҳақида сўз очганда: “Улар орасида ҳадисларни муснад шаклида ривоят қилишни ихтиёр этганлари ҳам бор” [13; 284], дейди. Заркаший ҳам шу фикрга қўшилган ҳолда: “Баъзи муҳаддислар ҳар бир саҳобийни ривоят қилган ҳадисларини алоҳида тўплаб, уларни алифбо ҳарфлари бўйича тартиблайдилар. Баъзилари эса саҳобаларнинг даражаларига қараб, масалан, ашараи мубашшара (жаннат башорати берилган ўнта саҳоба), сўнг Бадрда иштирок этганларнинг ривоятини аввал келтирадилар” [4; 348] деган.

Учинчи маъно – санад маъносида, яъни муснад сўзи ишлатилиб ундан санад – ровийлар силсиласи тушунилади.

Бобларга ажратиб ёзилган асарлар ҳам “муснад” деб номланади. Ушбу ном билан аталган асар муаллифлари ундан “узлуксиз санад билан ривоят қилинган ҳадислар” деган маънони ирода қилганлар. Имом Бухорий (ваф. 256/870 й.)нинг “Ал-Жомеъ ал-муснад ас-саҳиҳу-л-мухтасар мин умури Расулиллаҳ ва сунаниҳи ва айямиҳи” (Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг

² Қандай узилиш бўлишидан қатъи назар, исноди муттасил бўлмаган ҳадисга айтилади. Яъни, исноди муттасил бўлмаган муаъллак, мурсал, муъзал шартлари топилмаган ривоятдир. Бу уч сифатдан бошқа кўринишда узилиш пайдо бўлиб келган ривоятга “мункотей”, дейилади.

³ Луғатда “жуذا кийин қилинган” деган маънони англатади. Истилоҳда эса, исноддан икки ё ундан кўп ровийларнинг кетма-кет тушиб қолишига айтилади.

суннатлари ва у кишининг ҳаётлари ҳақида қисқа, саҳиҳ, санади узлуксиз, барча ислом аҳкомларини жамловчи) асари; Имом Муслим (ваф. 261/875 й.)нинг “Ал-муснад ас-саҳиҳ ал-мухтасар мин ас-сунан би нақл ал-адл ан ал-адл ан Расулиллаҳ” асари ҳамда Имом Доримийнинг “Муснад ад-Доримий” асари ва бошқа шу каби ҳадис тўпламларининг муснад деб номланиши ҳам айнан шу маънода ишлатилган.

Дастлаб ёзилган муснадларда айнан Пайғамбар (с.а.в.)дан қилинган ривоятлар жамланган. Ҳофиз ибн Ҳажар Асқалоний (ваф. 852/1448 й.) бундай дейди: “Баъзи муҳаддислар фақатгина Пайғамбар (с.а.в.)дан ривоят қилинган ҳадисларни жамлаганлар. Бу ҳижрий 200 йилнинг бошида эди”.

Муснад жанрида асар ёзишни бошлаган муҳаддислар борасида уламолар ўртасида уч хил фикр мавжуд:

Биринчи фикр: Ҳоким, Ибн Жавзий, Ибн Асир ва Заркаший кабилар биринчи бўлиб муснад асарини Убайдуллоҳ ибн Мусо ал-Абсий ал-Куфий (ваф. 213/828 й.), сўнг Абу Довуд Таёлисий (ваф. 203/818 й.) ёзган, дейишади.

Ибн Ҳажар Асқалоний Абу Довуд ўрнига Мусаддад ибн Мусарҳад ал-Асадий ал-Басрий (ваф. 228/843 й.)ни келтирган. Усмон ибн Абдурахмон ибн Салоҳ (ваф. 643/1246 й.) эса Абу Довуд Таёлисийни Убайдуллоҳ ибн Мусодан олдинга қўйган.

Иккинчи фикр: Аҳмад ибн Ҳанбал эса Нуъайм ибн Ҳаммод ал-Хузойи ал-Мисрий (ваф. 228/843 й.), сўнг Асадус Сунна (Суннат шери) номи билан танилган Асад ибн Мусо ал-Умавий ал-Мисрий (ваф. 213/828 й.)ни биринчи бўлиб муснад асар ёзган, дейди [10; 290]. Бу ҳақда Доракутний (ваф. 385/995 й.) бундай ёзади: “Имом Аҳмад ибн Ҳанбал: “Муснад асар ёзганлардан биринчи бўлиб кўрганимиз Нуъайм ибн Ҳаммоддир”, деган”.

Хатиб Бағдодий айтади: “Дарҳақиқат, Асад ибн Мусо ал-Мисрийнинг муснад асари бўлган ҳамда Нуъаймдан ёши ҳам катта эди. Эҳтимол Нуъайм муснад асарини ёшлик даврида тадқиқ қилиб, оммага ҳавола этган ва Асаддан ўзиб кетган. Асад эса ёши биров катта бўлганда муснадини чиқарган”.

Учинчи фикр: Абдуллоҳ ибн Адий (ваф. 385/995 й.): “Муснад ёзган муҳаддисларнинг барчалари ҳар бир минтақанинг эътиборидан биринчи ҳисобланадилар”, деган. У Яҳё ибн Абдулҳумайд Ҳиммоний ал-Куфий (ваф.

228/843 й.)нинг таржимаи ҳолида бундай ёзади: “Яҳё Куфада биринчилардан бўлиб муснад асарини ёзган муҳаддис саналади. Басрада эса Мусаддад, Мисрда эса Асадус Сунна”.

Муснад асарларининг ёзилиши ҳадис илми тараққиёти ва ҳадисларни турларга ажратиш, уларнинг санад ва иснодларини аниқлашда асосий манба бўлиб хизмат қилди. Зеро, муснад тўпламларидаги ҳадислар саҳиҳ⁴, ҳасан⁵, заиф⁶, ноқис, марфуъ⁷, мавкуф⁸, шозз⁹ кабиларга ажратиб ўрганилган ва завоид, мажма, зайл, атроф каби турдаги ҳадис тўпламлари ёзишда фойдаланилган.

Ибн Ҳажар Асқалоний муснад тўпламлари кейинги давр муҳаддис олимлари учун илмий кашфиётлар эшигини очганини ва бу асарлар бошқа турдаги ҳадис тўпламлари негизини ташкил этишини алоҳида таъкидлаган.

Ҳадис илмининг шаклланиши ва машҳур ҳадис асарларини яратилишида муснад асарларининг аҳамияти ҳақида Аҳмад ибн Абу Бакр ибн Исмоил Бувсий бундай ёзади: “Агар олти машҳур саҳиҳ китобларида ёки уларнинг бирида саҳобалардан бир ҳадис келтирилган бўлса, албатта, у ҳадис “Муснад Абу Таёлисий”, “Муснад Ҳумайдий”, “Муснад Мусаддид”,

⁴ Санадининг бошидан охиригача адолатли, забтлив ровий ўзи каби бўлган ровийдан ривоят қилган, санади узилишсиз боғланган, шозлик ва иллатдан холий бўлган хабардир.

⁵ Луғатда сифати мушаббаҳа бўлиб, “гўзал”, “чиройли” маъноларида келади. Бундай ҳадиснинг санади узулишсиз боғланган бўлиб, (орасидан бир ровий бўлса ҳам) саҳиҳ даражадаги ровийнинг забтидан кўра забти камроқ бўлган адолатли кишилар орқали ривоят қилинган бўлади. Шозз ва муаллал бўлмайди. Унинг ҳукми саҳиҳнинг ҳукмидир.

⁶ Луғатда кучли сўзининг аксидир. Ҳасан ҳадиснинг сифатлари жамланмаган хабардир. Унинг шартларидан бири тушиб қолган бўлади.

⁷ Луғатда “Рафаъа” феълидан исм мафъул бўлиб, “вазаъа” – “туширди” маъносининг зиддидир. Расулуллоҳ (с.а.в.)га изофа қилинган сўз, амал, тақрир ва сифатга “марфуъ” ҳадис, дейилади. Яъни, у Расулуллоҳ (с.а.в.)га нисбат берилган гап, сўз, иш, тақрир ё сифат бўлсин ёки етказувчи хоҳ исноди муттасил ё мунқотъ бўлсин, фарқ қилмайди.

⁸ Луғатда “вақф” калимасидан исми мафъул бўлиб, “тўхтаб қолдирилган” маъносида келади. Истилоҳда саҳобийга нисбат бериладиган гап, иш ёки тақрирга айтилади.

⁹ Луғатда “шазза” калимасидан исм фоил бўлиб, “ёлғизланувчи” маъносида келади. Ишончлив ровий ўзидан кўра ишончлироқ ровийга хилоф қилган ҳолда ривоят қилган ҳадис бўлиб, бунда икки ривоят орасини (маъно жихатидан) жамлаш имкони бўлмайди.

“Муснад Ибн Абу Умар”, “Муснад Исҳоқ ибн Роҳавайх”, “Муснад Абу Бакр ибн Шайба”, “Муснад Аҳмад ибн Муниъ”, “Муснад Ҳорис ибн Муҳаммад ибн Асома” “Муснад Абу Яъло ибн Муслий Кабир” ва “Муснад Абд ибн Ҳумайд” асарларининг биридан олингандир”.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, саҳобалар ва тобеъинлар даврларида ҳам ҳадислар ёзилиб, ҳадис мажмуалари ва тўпламлари тузилган. Бироқ тарқоқ ҳолдаги ҳадисларни жамлаш ва тасниф этиш, яъни “тадвин” фаолияти халифа Умар ибн Абдулазизнинг (717-720) волийликларга юборган фармойишлари билан расмий тус олган. Бу ҳақда Ҳофиз Ибн Ҳажар Асқалоний “Фатҳу-л-Борий” асарининг “Илм” бобида бундай ёзади: “Халифа Умар ибн Абдулазизнинг буйруғи билан биринчи аср охирида тобеъинлар орасида биринчи бўлиб Ибн Шихоб Зухрий (670-721) ҳадисларни тадвин қилди. Ундан кейин тадвин ишлари янада ривожланди. Шундан сўнг ҳадисларни тасниф қилиш ишлари бошланган” [6; 76].

Тарихшунос олим Фуат Сезгин ҳижрий биринчи асрдан бошлаб саҳобалар пайғамбарга оид воқеаларни ёзиб боришганини ва учинчи асрга келиб эса ўша ёзилган ҳадислар тўпламлар ҳолига келтирилганини қайд этган. Ушбу вазифани Абу Бакр ибн Муҳаммад ибн Ҳазм (ваф. 120/737) ва Ибн Шихоб Зухрий аъло даражада бажаришганини эътироф этади. У фикрининг тасдиғи сифатида Ҳанбал ибн Аҳмаднинг “Илал”, Ибн Саъднинг (ваф. 230/844-5) “Табақот”, Бухорийнинг (ваф. 256/870) “Тарих”, Термизийнинг “Илал”, Ибн Абу Ҳотимнинг (ваф. 327/938) “Тақдима”, ал-Хатиб Бағдодийнинг (ваф. 403/1012-3) “Такйид ал-илм”, Ибн Абд Баррнинг (ваф. 463/1070-1) “Жомеъ баян ал-илм”, Рамаҳурмузийнинг (ваф. 360/971) “Ал-муҳаддис ал-фасил” ва бошқа манбалардан намуналар келтирган.

Илк ҳадис тўпламлари содда шаклда, тартибга солинмаган, мавзуларга ва ровийларга ажратилмай, муҳаддис ўзи эшитган ҳадисларни бирин-кетин ёзиб борган. Улар орасида ҳадислар билан бирга саҳобий ва тобеъинларнинг сўзлари ҳам ўрин олган эди.

Шунингдек, бу даврга келиб ҳадис илми талабида ўз юртидан бошқа жойларга сафар қилиш ҳам ривожланди. Чунки муҳаддислар ўз минтақасидаги ҳадисларни ўрганиб бўлгандан

сўнг унга қаноат ҳосил қилмай, кўпроқ ҳадис билиш ва янада ишончлироқ бўлишини талаб қилганлар. Бу эса ҳадис илмининг янада тараққий этишига олиб келган.

Ҳадис илми шу тарика тадрижий равишда ривожланиб борди. Муҳаддисларнинг ҳадисларни танқидий ўрганиши натижасида ҳадисларнинг ишончилилари ишончсизларидан ажратилди ва келажак авлодга етказилди. Бу борада илк ҳадис тўплами сифатида муснад асарлари бирламчи манба сифатида муҳим аҳамият касб этди.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абу Умар Юсуф ибн Абдулбар. Жомеъ баён ал-илм ва фазлиҳи. – АрРиёд: Дор ибн Жавзий, 1994.
2. Заркаший. Ан-Нукат ала муқаддима ибн Салоҳ. – Ж. 1. – Ар-Риёд: Мактаба азво ас-салаф, 1998.
3. Иззуддин ибн ал-Асир. Усду-л-ғоба фи маърифати-с-саҳоба. – Ж. 3. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1996.
4. Ибн Форис. Муъжам мақоийс ал-луға. – Байрут: Дор ал-фикр, 1979. – Ж. 3.
5. Маҳмуд Таҳхон. Тайсир мусталаҳ ал-ҳадис. – Искандария: Марказ ал-ҳуда лид-дирасат, 1994.
6. Муҳаммад ибн Матор аз-Заҳроний. Тадвин ас-Сунна ан-набавийа нашъатуҳу ва татоввурӯҳу. – Риёз: Мактабат дар ал-Минҳож, 2005.
7. Мустафо Сибойй. Ас-Сунна ва маканатуҳа фи ташриъ ал-исламий. – Байрут: Дор ал-китаб ал-арабий, 1994.
8. Муҳаммад Мустафо ал-Аъзамий. Дирасот фил-ҳадис ан-набавий ва таърих тадвиниҳи. – Ж. 1. – Риёз: ал-Мактаб ал-исломий, 1980.
9. Муҳаммад Муҳаммад Абу Заҳв. Алҳадис вал-муҳаддисун ав инаъа алумма алисломийа би-сунна аннабавия. – Байрут: Дор ал-китаб ал-арабий, 1984.
10. Саййид Абдулмажид Ғаврий. АсСунна ан-набавия ҳужжийатуҳа ва тадвинӯҳа. – Байрут: Дор ибн Касир, 2009.
11. Шабир Аҳмад ал-Усманий. Мажмуа Фатҳ ал-мулҳим би-шарҳ Саҳиҳ ал-имом Муслим. Ж. 1. – Байрут: Дор ихё ат-турос ал-арабий, 2006.
12. Шаҳобиддин Аҳмад ибн Али ибн Ҳажар ал-Асқалоний. Таҳзибу-т-тахзиб. – Ж. 8. – Байрут: Дор ал-фикр, 1984.
13. Хатиб Бағдодий. Ал-Жомий ли-ахлақ ар-ровий. – Ар-Риёд: Мактаба ал-маъориф, 1983. – Ж. 2.
14. Abbott N., Studies in Arabic Literary Papyri II: Qur'anic Commentary and Tradition. “The University of Chicago Press” publ., 1976.
15. Cook M. Early Muslim dogma: A source-critical study, Cambridge, “Cambridge University Press” publ., 1982.